



Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

Ўзбекистон билан бизнес ҳамкорлиги учун энди Норвегиянинг Telenor танқид остида

Сўнги янгилаш 22 ноябр 2012 - 18:10 GMT

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)



Telenor Россиянинг "ВымпелКом" ширкатининг 35 фоиз акцияларига эгалик қилади.

Норвегия расмийлари мамлакатнинг давлат акцияларига эга Telenor мобил алоқа ширкатидан Ўзбекистон билан ҳамкорлиги борасида тушунтириш талаб қилмоқдалар.

Telenor акциялар пакетининг 54 фоизи давлатга тегишли ва ширкат Россиянинг "ВымпелКом" мобил алоқа компаниясининг 35 фоизининг эгаси ҳисобланади. Шунингдек, Telenor "ВымпелКом" бошқарувида 43 фоизлик овозга эга.

"ВымпелКом" эса Ўзбекистонда "Билайн" бренди остида фаолият юритади.

Норвегия матбуотида Telenorнинг Марказий Осиёдаги бизнесига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди, бу мақолалар ортидан мобил алоқа ширкатидан изоҳ талаб қилинмоқда.

Мақолаларда Ўзбекистондаги мобил телефонлардаги сўзлашувлар яширинча тинглиши ва хорижий мобил алоқа ширкатлари мамлакатдаги авторитар режимни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлари даъволари илгари сурилади.

Хусусан, Норвегиянинг Dagens Næringsliv рўзномаси билан суҳбатда Франциядан сиёсий бошпана олган таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Мўътабар Тожибоева Ўзбекистондаги пайтида махсус хизматлар телефон суҳбатларини махсус хизматлар мунтазам тинглагани ва доимо мобил телефоннинг SIM-кардини алмаштириб юришга мажбур бўлгани ҳақида айтган.

Норвегиянинг Саноат вазири Тронд Гиске Telenor ижрочи директори Фредрик Баксаасдан матбуотда илгари сурилаётган даъволар нақадар асосли эканини тушунтириб беришни сўраган.

Telenorнинг бошқарув ҳайъати ҳам яқин орада ушбу масалани муҳокама этишга бағишланган мажлис ўтказиш режасида эканини маълум қилган.

Норвегиядаги мобил ширкат можароси Швеция журналистларининг Швециянинг TeliaSonera компанияси Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов тўнғич қизи Гулнора Каримовага яқин шахсларга пора бергани ҳақидаги даъволари ортидан бошланган.

Швед журналистларининг текширувларига кўра, TeliaSonera ширкати Ўзбекистонда фаолият юритиш учун 2007 йилда Гибралтардаги Takilant Ltd ширкатига 2 миллиард 200 миллион Швед крони ёки 370 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлаган.

Sveriges Television телеканалига кўра, орадан уч йил ўтиб, 2010 йилда Teliasonera Ўзбекистонда 4G лицензиясидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш учун яна Takilant га 370 миллион Швед крони (55 миллион АҚШ доллари) тўлаган.

Швеция ахборот агентлиги мухбирлари эса Ўзбекистондаги бизнес фаолияти саволларни туғдираётган фақат Teliasonera ширкати эмаслигини айтиб чиқдилар.

Журналистлар даъво қилишларича, Россиянинг МТС, "ВымпелКом" ширкатлари ҳам Ўзбекистон мобил алоқа бозорига кириш учун Гибралтарда рўйхатдан ўтган Takilant ва Swisssdorn ширкатлари билан олди-берди қилишган.

Швед журналистлари қўлга киритган "ВымпелКом" йиллик ҳисоботларидан бирида Takilant ҳам, Swisssdorn ҳам Гибралтарда бир манзилда рўйхатдан ўтгани кўрсатилган.

"Swisssdorn" ширкатининг раҳбари деб Рустам Мадумаров кўрсатилган.

У, ишонишларича, Гулнора Каримованинг энг яқин одамларидан бўлиб, "Дадо" поп-гурухининг мусиқачисидир.

Ушбу даъволар юзасидан Швеция прокуратураси тергов бошлаган.

Takilant ширкатининг Швециядаги ҳисобларини музлатиб қўйишга қарор қилинган.

Азиз Ўқувчи!

Би-би-си Ўзбек хизмати Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизга ҳам ўрин беради.

Саҳифамиздаги ҳар бир хабар, аудио-видео материаллар, суратлар ва барча мавзуларга доир фикрларингизни махсус формадан фойдаланиб бизга йўллашингиз мумкин.

Шунингдек, uzbek@bbc.co.uk электрон почтамызга мактуб ёзинг.

Биз ва дунё бўйлаб ўқувчиларимиз билан ўз ҳикояларингиз, суратлар ҳамда аудио-видео материалларингизни баҳам кўринг.

Би-би-си мактубларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

[бу ерга босинг](#) [Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

Биз билан боғланинг

* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Исм-шариф: Шаҳар: Email: * Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ * (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

[Юбориш](#) | [Қайта ёзиш](#)

Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар

Яна ушбу мавзуга оид

[Би-би-си текшируви: Швейцария банки остонасида](#)

22.11.12

['Миссия: текшириш' - Швеция Жамоатчилик телевидениеси хужжатли фильми Томоша қилиш28:30](#)

06.10.12

[Сиёсат](#)

["TeliaSonera иши Ўзбекистонга боғлиқ ягона шубҳали иш эмас"](#)

29.10.12

[Гулнора Каримова](#)

['Teliasonera Takilantra 4G лицензияси учун ҳам пул берган'](#)

05.11.12

[Ўзбекистон](#)

[Швеция журналисти: ТелеаСонерага оид маълумотларимиз ишончли](#)

05.11.12

[Ўзбекистон](#)

Алоқадор мавзулар

[Ўзбекистон](#),

[Инсон ҳуқуқлари](#),

[Гулнора Каримова](#)

Видео ва аудио




[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)




[Номаълум асирлар тарихи-видео](#)

[Томоша қилиш07:29](#)



['Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди'](#)

[Томоша қилиш11:41](#)



['Хуррият 2014': 'Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин'](#)

[Томоша қилиш07:17](#)



[Фарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#) [Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари муסיқаси Парижда](#) [Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#) [Томоша қилиш17:45](#)



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#) [Томоша қилиш01:57](#)



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#) [Томоша қилиш04:04](#)



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#) [Томоша қилиш05:20](#)



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#) [Томоша қилиш18:02](#)




[Қуръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#) [Томоша қилиш17:23](#)



[М.Маҳмудов: Камоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#) [Томоша қилиш04:51](#)



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#) [Томоша қилиш01:45](#)



[Аёл, ахволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#) [Томоша қилиш02:56](#)



[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#) [Томоша қилиш02:29](#)



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#) [Томоша қилиш00:49](#)



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#) [Томоша қилиш05:41](#)

Муҳаррир танлови



[Осиё Ҳйинлари: Ғалаба онлари](#)

[Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр](#)



[Тинглаш11:50](#)

[Гулнора Каримованинг вакили: Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти](#)



BBC
O'ZBEK

[BBCUzbek веб-сайти ўзгарди](#)

[Ҳомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: Г.Каримова ишининг Оврўлодаги текширувга алоқаси йўқ](#)



[Муҳолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)



[Тинглаш03:52](#)

[Исломий партия: 'туҳмат' кампаниясидан азиятдамиз](#)



Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[اڧغانىستان](#)

Хизматлар

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

Бошқа Би-би-си сайтлари

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)

BBC

[Mobil versiyasi](#)

[Foydalanish shartlari](#)
[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[BBC haqida](#)
[Saytga kirish yordami](#)
[Би-би-си билан уланинг](#)

BBC © 2014 BBC tashqi sahifalar uchun ma'sul emas.